



# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 28-sentabr • Seshanba • 114 (31.234) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan  
www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

## ОЗАРБОЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИЛХОМ АЛИЕВНИНГ ЎЗБЕКISTONГА РАСМИЙ ТАШРИФИ

■ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Озарбойжон Республикаси Президенти Илхом Алиев 27 сентябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасидаги асрлар давомида мустақамлаштириб келаятган яқин дўстлик ва биродарлик алоқалари, маданият, тил, дин ва анъаналарнинг муштараклиги мамлакатларимизнинг кенг ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиги учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги муносабатлар истиқлол йилларида янги, сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтарилди.

Тошкент ва Бокуда ўзаро ишонч, дўстлик ва бир-бирининг манфаатларини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган муносабатлар юксак кадрланади. Давлат раҳбарлари ўртасида мунтазам учрашувлар ўтказиб турилади.

Кўксарой қароргоҳида 27 сентябрь куни Озарбойжон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қорувул саф тортиди. Ислам Каримов ва Илхом Алиев шоҳсулага кўтарилди. Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг давлат мадҳиялари янгради ва Президентлар фахрий қорувул сафи олдида ўтди.

Икки мамлакат раҳбарларининг яқнама-яқна суҳбатиди Президентлар ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳвали ва истиқболлари юзасидан фикр

алмашди, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик, минтақавий ва халқаро аҳамиятта молик муаммолар, шунингдек, томонларни қизиқтирган кўплаб бошқа масалаларни муҳокама қилди.

— Сизнинг Ўзбекистонга ташрифингизни муҳим воқеа, изчил ривожланиб бораётган Ўзбекистон — Озарбойжон муносабатларининг мантиқий давоми деб биламиз. Менинча, Сиз билан учрашувларимиз, фикр алмашувларимиз, давлатларимиз учун манфаатли бўлган долзарб, айтиш мумкин, ўта муҳим ва ўткир масалаларни муҳокама қилишимиз катта аҳамиятга эга. Ҳали Озарбойжон ва Ўзбекистон манфаатлари учун гоҳ муҳим бўлган ва ҳозирча фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Шубҳасиз, биз минтақавий ва халқаро аҳамиятта молик кенг қўламли масалалар юзасидан фикр алмашиш учун имкон толамиз, — деди Ислам Каримов.

Ўз навбатида, Озарбойжон Президентини Илхом Алиев давлатимиз раҳбарига Ўзбекистонга таклиф этгани учун самимий миннатдорлик билдириб, Озарбойжон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда тўла ўзаро англашув қарор топганини қайд этди.

(Давоми 2-бетда.)

## BARKAMOL-AVLOD - YURTIMIZ KELAJAGI



Муҳимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.



## Маҳаллий партия ташкилотлари фаолиятини мустақамлаш

дастурий мақсадларни амалга оширишнинг муҳим шартидир

### ЎзХДП: устувор вазибалар

■ Партияимиз Марказий Кенгаши ва Фарғона вилоят кенгаши ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят ахборот-таҳлил маркази «Маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзусида семинар-тренинг ўтказди. Бугун ана шу тадбир иштирокчилари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола қилаемиз.

— Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш мақсади юзасидан фикр, таклиф ва мулоҳазаларни муҳокама этишга тайёрмиз, — деди Марказий Кенгаш раисининг ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Маълумки, партиянинг мақсад ва гоиларини амалга оширишда бошланғич ташкилотлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мамлакат бўйича партиядошларимиз ўн мингдан зиёд бошланғич партия ташкилотига бирлаш-

ган. Партия кутараётган масалалар ҳаётийлиги, амалга ошираётган ишлари самараси уларнинг фаолияти қанчалик тўғри йўлга қўйилгани билан боғлиқдир. Ишлаб чиқарилган дастур, лойиҳа ва тавсиялар қўйи бўғинга етиб бориши ҳамда улар фаолиятининг мазмун-моҳиятига айланиши жуда муҳим. Шунга муваффақ бўлинса, партияимиз ўз таъсир қучига эга бўлади.

→ 3

## Партия аъзосининг бурчи

### Сиз нима дейсиз?

■ Мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими шаклланди. Ҳар бир сиёсий партия жамиятнинг маълум бир ижтимоий қатлами манфаатини ифодалаш ва ҳимоялаш учун ҳаракат қилмоқда. Бундай вазиятда сиёсий кучлар ўртасида ўзаро рақобат кучайиб бориши табиий, албатта.

Бу курашда муваффақиятли қатнашиш нимага боғлиқ? Тўғриси, бу савол атрофида турлича фикр юритиш, баҳслашиш мумкин. Кимдир партия обрўсини аъзолари сони билан ўлчади. Кимдир: «Гап сонда эмас, сифатда», дея аъзолар салоҳиятини биринчи ўринга қўяди. Ҳар иккала қараш ҳам тўғрига ўхшайди. Қайси партия ўз го-мақсадларини тарғиб қилиб, одамлар орасига чуқур кириб борса, аъзоларини кўпайтиради. Газетамизда «Мен нега ЎзХДПни танладим?» деган руқ бор. Партияимизга аъзоликка ўтаётганлардан нега айнан ХДПни танлаганини сўраймиз. Уларнинг жавобига эътибор қаратсангиз, «ЎзХДП Дастури ҳаётий экан, оддий одамлар манфаатини ҳимоя этаркан, меҳр-оқибатга йўғрилган ишларни бажараётганига гувоҳман», каби сўзларни эшитасиз. Демак, Дастуриимиз, мақсад-муддаомиз кўпчиликка манзур. Амалий ишларимиз билан ишонч қозонаемиз. Эҳтимол, шунинг учун ҳам бугун бошқа партияларга қараган-



да аъзоларимиз анча кўпдир. Ҳозир партияимиз 400 мингга яқин аъзони бирлаштириб турибди. Бу

катта куч, албатта. Бундай имконият билан кенг қамровли ишлар қилиш, катта ютуқларга эришиш мумкин.

Аммо шу ўринда аъзолар салоҳияти ҳақидаги фикр ҳаёлга келадди. Гап ХДП аъзолари устида эмас, балки умуман сиёсий партияларнинг бугунги аъзолари салоҳияти тўғрисида кетаяпти. Бошқа партияларда бўлганидек, бизнинг сафимизда ҳам сиёсий, ҳуқуқий маданияти юксак, эътиқодли аъзолар оз эмас. Айнан улар партияимиз гоиларини тарғиб қилиш, электрат манфаатини ҳимоялаш йўлида амалий ишлари билан намуна бўлиб келмоқда.

Афсуски, партия аъзолари орасида ўз бурчини тор доирада тушунаётган, ўз партиявий мавқеи ва ваколатларини аниқ тасаввур этмайдиганлар ҳам йўқ эмас. Бу ҳолат жойларда маҳаллий кенгашлар, бошланғич ташкилотлар йиғилишларида кўзга яққол ташланмоқда. Сўзга чиқувчилар, таклифлар айтиувчилар доимо бир хил одамлар. Томошабин каби индамай ўтирувчилар ҳам бир хил одамлар. Аслида йиғилишда қатнашаётганларнинг ҳаммаси партия аъзоси-ку?! Ҳуқуқи, ваколати бир хил. Фақат тушунча ҳар хил, сиёсий билим, тажриба тенг эмас. Бу — табиий ҳол. Вақтисоати билан билими, тажрибаси ошиши, дадиллашиб қолиши мумкин. Аммо йиллар давомида йиғилишларда сўзга чиқмайдиган, бирор марта таклиф айтмайдиганларни қандай тушунмоқ керак? Сиёсий партияга аъзо бўлишдан мақсад нима эди?

Ҳозирги замонда киши ўз хоҳиш-иродасини намойиш этиш, ўз қарашлари ва мақсадларини амалга ошириш, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиш учун сиёсий куч сафига кўшилади. Бошқача айтганда, сиёсий партияга аъзо бўлган ҳар бир киши сиёсатчи мақомида бўлади. Фақат буни ҳамма англаши лозим. Кимнингдир таклифи ёки даъвати билан партияга аъзо бўлиш ҳеч кимга наф келтирмайдиган, қайтага номуносиб, эътиқодсиз аъзолар партия нуфузига пуртур етказадиган.

Партияимиз сафини муносиб аъзолар ҳисобига кенгайтириб, эътиқодли тарафдорларимизни кўпайтириб боришимиз учун «Партия аъзосининг бурчи» ҳақида фикрлашиб, баҳс-мунозара юритишни лозим топдик. Партия аъзосининг бурчи ва ваколатини сиз қандай тушунайсиз? Партия аъзолигига кимлар қабул қилиниши лозим, деб ўйлайсиз? Партия аъзосининг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини партия аъзоси бориш, бошқа сиёсий партиялар вакиллари билан дадил баҳсга киришиши, электрат манфаатини ҳимоя этишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши учун нималар қилиш зарур, деб ҳисоблайсиз?..

Фикр-мулоҳаза ва таклифларингизни кутамиз.

→ 3

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

### Халқаро туризм: Имконият, муаммо,

### истиқбол → 3

### Спорт

«Шошиб деразадан паства қарандим. Она шаҳрим — Тошкент ҳар қачонгидан ҳам гўзал, бетақрор бўлиб кўринди. Кўз унгимдан Ўзбекистонимиз манзаралари ўтди. Дунёда тенгсиз бу Ватан шаънини ҳимоя қилиш, улуғлаш имконияти берилганидан фахрландим».



→ 4

ТИНЧЛИККА  
ХИЗМАТ  
ҚИЛУВЧИ  
ФИКРЛАР → 2

МИЛЛИОНЛАБ  
ОДАМЛАР  
ҚИСМАТИ  
Орол тақдири билан боғлиқ → 2

TASHKENT  
OPEN  
халқаро турнири якунланди → 4

Корпорацияимиз Ўзбекистондаги бир неча олий ўқув юртлири билан ҳамкорлик қилиб келади. Олиб борган тадқиқотларим натижасида шунга амин бўлдими, мамлакатингизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантириш, тармоққа илгор технологияларни жалб этиш, бу борада халқаро ҳамкорликни мустақамлашга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида етуқ кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш ишлари самараси ўларок, юртингизда бу борада улкан интеллектуал салоҳиятга эга ёшлар сафи кенгайиб бораёттир».

Жон КЕНН,  
«Microsoft» корпорациясининг минтақавий бизнесини ривожлантириш менежери (Сингапур)

ОБ-ҲАВО 28-29.09. 2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀ 21°C	☀ 23°C
Самарканд	☀ 19°C	☀ 20°C
Нукус	☀ 18°C	☀ 20°C
Қарши	☀ 21°C	☀ 22°C
Урганч	☀ 18°C	☀ 22°C
Навоий	☀ 19°C	☀ 22°C
Фарғона	☀ 19°C	☀ 22°C
Бухоро	☀ 20°C	☀ 22°C
Андижон	☀ 19°C	☀ 22°C
Наманган	☀ 19°C	☀ 22°C
Термиз	☀ 21°C	☀ 24°C
Жиззах	☀ 20°C	☀ 21°C
Гулистон	☀ 20°C	☀ 21°C
Тошкент вил.	☀ 20°C	☀ 21°C
Лондон	☁ 16°C	☁ 17°C
Париж	☁ 19°C	☁ 20°C
Москва	☁ 12°C	☁ 13°C
Мадрид	☁ 19°C	☁ 20°C
Пекин	☁ 21°C	☁ 24°C
Гонгконг	☁ 23°C	☁ 27°C
Рим	☁ 21°C	☁ 22°C
Анкара	☁ 22°C	☁ 26°C
Токио	☁ 19°C	☁ 30°C
Стокгольм	☁ 10°C	☁ 11°C
Кейптаун	☁ 20°C	☁ 20°C
Қоҳира	☁ 20°C	☁ 19°C
Гавана	☁ 31°C	☁ 33°C
Вашингтон	☁ 27°C	☁ 29°C

O'zbekiston havo yo'llari

Хизматлар лицензияланган

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIIY BANKINING 2010 YIL 28 SENTYABRДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1552,96	1 Миср фунти	284,50	1 СДР	2498,07	10 Жанубий Корея вони	14,09
1 Англия фунт стерлинги	2550,36	1 Канада доллари	1581,45	1 Туркия лираси	1097,55	10 Япония йенаси	192,33
1 БАА дирҳами	441,13	1 Ҳитой юсени	241,85	1 Швейцария франки	1645,04	1 Россия рубли	52,35
1 АКШ доллари	1620,20	1 Малайзия рингити	524,51	1 Евро	2173,17	1 Украина гривнаси	204,67

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мақсуд валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг эркин фаолият олиб бориши учун барча имкониятлар ва ҳуқуқий асослар яратилган. Бу фикр Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамкорликда ўтказган давра суҳбатида алоҳида таъкидланди.

Нодавлат сектор ривожланиш босқичида

«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари: ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муҳим масалаларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни» мавзусига қаратилган тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Бугунги кунда нодавлат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарасини таъминлаш, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда 2005 йили ташкил этилган Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг муносиб ҳиссаси бор. Ассоциация ўз атрофида бирлашган нодавлат ташкилотлар билан бирга қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда, ижтимоий аҳамиятга моллик тадбирлар ташкил этмоқда.

Жамоат ташкилотларининг янада изчил ривожланишида 2008 йили ташкил этилган Олий Мажлис ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси яқин кўмакчи бўлиб, уларнинг мақсадли лойиҳаларини грант асосида молиялаштирмоқда. Мазкур жамоат фонди 2009 йили мамлакатимизда фаолият юритаётган 74 та жамоат ташкилотларининг мақсадли лойиҳаларини танлаб, уларга грант маблағлари ажратди. Табиийки, бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

Нодавлат ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш учун улар ўртасида ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаш жуда муҳим, — дейди давра суҳбати иштирокчиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Зиёвуддин Мансуров. — Нодавлат ташкилотлар амалга ошираётган лойиҳаларда асосан ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани партияимизнинг устувор мақсадларига ҳаммамоҳамдир.

Давра суҳбатида, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга янада кенгроқ эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Элмурод ЭГАМҚУЛОВ

Халқаро туризм: Имконият, муаммо, истиқбол

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Иқтисодиётнинг ривож ва мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг ўсишида туризмнинг, хусусан, халқаро туризмнинг ўрни беқиёс. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида давлат бюджетининг катта қисми айнан халқаро туризм орқали келган даромаддан шаклланади. Ўзбекистонда ҳам туризмни ривожлантириш ва шу йўл билан юртимиз иқтисодий қудратини ошириш бўйича катта имкониятлар мавжуд. Жаҳон тажрибаси ҳар тўртта сайёҳ битта янги иш ўрни яратишини кўрсатмоқда. Шундай экан, бу масала жуда долзарб аҳамият касб этиши табиий. Хўш, бугун шу имкониятдан қай даражада фойдалана олаёмиз?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси «Туризм тўғрисида»ги қонун ва халқаро меъёrlардан келиб чиққан ҳолда Хоразм, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида туризм соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича олиб борилган ишларни ўрганар экан, ана шу масалага алоҳида эътибор қаратди. Қўмитанинг мазкур назорат-таҳлил фаолияти яқинларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишида соҳада эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилаётган камчиликлар, эътиборни қўйириш керак бўлган жиҳатлар батафсил муҳокама этилди.

Таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жаҳон стандартларига мос туризм соҳасини шакллантириш, соҳада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётимизда туризмнинг ролини ошириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди, — деди қўмита раиси Латиф Фуломов. — Ўзбекистон 1983 йили Бутунжаҳон туристик ташкилотига аъзо бўлган эди. Шу

вақтга қадар Президентимизнинг соҳани такомиллаштириш ва бу йўналишда замонавий инфратузилмани шакллантиришга қаратилган 4 та фармони ва ҳуқуқнинг 17 та қарори қабул қилинди. Уларни амалга ошириш натижасида туризмнинг янги йўналишлари юзга келди. Замонавий меҳмонхоналар қад ростлади, қадимги тарихий обидалар ва қадимжолар қайта таъмирланди, янги йўللар барпо этилди.

Дунёнинг 24 мамлакатидан туристик ташкилотнинг «Буюк ипак йўли» дастурида иштирок этмоқда. 1995 йилдан бошлаб ҳар йили «Ипак йўли бўйлаб туризм» деб номланган Тошкент халқаро туристик ярмаркаси ташкил этиб келинаёпти.

Туризм соҳасида рақобат муҳити жадал ривожланмоқда. Ҳозирги вақтда 738 та фирма, шу жумладан, умумий сийғими 12,8 минг ҳойдан иборат 241 та меҳмонхона ҳамда 500 га яқин турсоператор ва турагент ишламоқда. Туризм соҳасида хизматлар ҳажми, мазкур фаолиятдан олинган даромад

кўпаймоқда. Шунинг билан бирга, назорат-таҳлил натижалари ҳали бу соҳада кўп ишлар қилиши кераклигини кўрсатди.

— Аввало, «Туризм тўғрисида»ги қонунимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб, уни янги таҳрирда қабул қилиш зарур, — деди «Ўзбектуризм» Миллий компанияси раиси Рустам Мирзаев. — Сабаби, бу қонун 1999 йили қабул қилинган эди. Ўтган давр мобайнида туризм соҳасида жуда кўп янгиликлар бўлди, янги йўналишлар юзга келди. Дунё туризмда ҳам янгиликлар кўп. Миллий қонунимиз эса уларнинг барчасини қамраб ололмади.

Мамлакатимизда туризм статистикасини юритиш ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермапти. Натижада сайёҳлар келиши бизнинг мамлакатимизга нисбатан анча кам бўлган давлатлар бўйича ҳисоботларда анча кўп кўрсатилаяпти. Бу эса туризм соҳасига хорижий инвестицияларни жалб этишга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, соҳага халқаро стандартларни жорий этган ҳолда Ўзбекистон миллий стандартларини ишлаб чиқиш, хизмат кўрсатиш соҳасини янада яхшилаш масалалари олдимизда турибди.

Мажлисида учта минтақа бўйича масала алоҳида кўриб чиқилди. Таъкидландики, юртимизга хорижий сайёҳларни жалб этиш имконияти, мамлакатимизнинг туристик салоҳияти жуда катта. Аммо бугун ундан етарли даражада фойдалана олмаёмиз. Бунинг учун қатор масалаларни ҳал этиш талаб этилмоқда. Аввало, соҳага оид қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий асосни такомиллаштириш, мутахассислар тай-

ёрлаш сифатини яхшилаш ҳамда улар малакасини ошириб бориш тизимини такомиллаштириш зарур. Туризмни ривожлантиришнинг миллий, тармоқ ва минтақавий дастурлари баҳарлигини сўзсиз таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Спорт туризми, экотуризм, агротуризм, соғломлаштириш туризмнинг замонавий турларини ривожлантириб бориш лозим.

Бундан ташқари, «Буюк ипак йўли» йўналишини замонавий автомобиллар билан таъминлаш, соҳага чет эл сармоясини олиб кириш ва инвестицион муҳитни ривожлантириш, кўшимча дам олиш жойларини ташкил қилиш ҳамда туристларга хизмат кўрсатишни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди.

Кўтарилган бу ва бошқа қатор масалалар депутатлар, Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятлари ҳокимликлари масъул раҳбарлари, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси, ҳуқуқий турсоператорлар, «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбекистон темир йўллари» компаниялари, Давлат божхона қўмитаси, Ўзстандарт агентлиги ҳамда бошқа ташкилотлар вакиллари, тегишли олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари иштирокида батафсил муҳокама этилди.

Мажлис якунида қўмита аъзолари томонидан «Ўзбектуризм» Миллий компаниясига, вилоят ҳокимликларига, халқ депутатлари Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоят Кенгашлари депутатларига масала юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиш тавсия этилди. Қўмита бу масалани бир йилдан сўнг яна назорат-таҳлил фаолияти тартибда кўриб чиқишга қарор қилди.

Беход ШУКУРОВ



Хорижда

Кечирим сўрашни талаб қилди

лекин бу талаб рад этилди

Хитой маъмурияти Япония маъмуриятидан жорий йилнинг 7 сентябрыда юз берган воқеа юзасидан кечирим сўрашни ва товон пули тўлашни талаб қилди. ХХР Ташқи ишлар вазирлиги берган баёнотга асосланиб «Синьхуа» АА бу ҳақда хабар тарқатди.



Бироқ «Channel NewsAsia» телеканали берган хабарга қараганда, Япония ҳукумати бу талабни рад этди.

Маълумки, 7 сентябрь куни Япониянинг ден-

гиз қирғоғи қўриқчилари баҳсли орол Дяоюйда (японча номи Сэнкаку) яқинида (Тайвандан 170 километр шимоли-ғарбда) Хитойнинг 15 кишилик баликчи кемасини қўлга олган. Хитой маъмурияти улар қўйиб юборилишини талаб қилган, 15 сентябрда 14 нафар экипаж аъзоси қўйиб юборилган, лекин кема капитани Япониянинг денгиз қирғоғи қўриқчиларига қаршилик кўрсатганида айбланиб, ҳибсда ушлат қолинди. 19 сентябрь куни унинг ҳибс мuddати яна ўн кунга узайтирилди. Бироқ Япония прокуратураси шанба куни, яъни 25 сентябрда уни ҳам қўйиб юборди.

Баликчи кема япон денгиз хавфсизлиги қучлари томонидан қўлга олингандан бери Хитой маъмурияти улар озод этилишини талаб қилиб, олти марта мурожаат этди. Бу даврда Хитой Япония вазирликлари ва музофотлари даражасидаги шартномаларни ҳамда Шарқий Хитой денгиз энергетик ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш режасини ишлаб чиқиш бўйича музокараларни, авиаалоқаларни ва кўмир савдосини «музлатиб» қўйди.

Рўйхатга олиш

мuddати яқунланди

Белоруснинг амалдаги президенти Александр Лукашенко жорий йилнинг 19 декабрыда бўладиган президент сайловида иштирок этиш учун унинг номзодини илгари суриш бўйича ташаббускор гуруҳни рўйхатга олишни сўраб, Марказий-сайлов комиссиясига ариза берди.

Лукашенко номзодини қўллаб-қувватловчи ташаббускор гуруҳ таркибига 8403 киши киритилди. «Новости» АА хабар беришча, ўтган ҳафта охирида ташаббускор гуруҳларни рўйхатга олиш мuddати яқунланди.

Марказий сайлов комиссиясига 13 номзоднинг ташаббускор гуруҳи ариза билан мурожаат этган. Ташаббускор гуруҳлар ўз номзодларини қўллаб-қувватловчи 100 мингта имзо йиғиши керак.

30 сентябрдан 29 октябргача президентликка номзодларни илгари суриш ташаббуслари ўтказилди. 13 ноябргача эса номзодлар белгиланган барча ҳужжатларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиши лозим. 13 ноябрдан 23 ноябргача президентликка номзодлар расмий рўйхатга олинади.

Дипломатик алоқалар

қайта тикланадиган бўлди

Ироқ ва Сурия маъмуриятлари бир йил аввал батамом узилган дипломатик алоқаларни қайтадан тиклашга келишиб олдилар.

«Reuters» АА эслатишча, бу икки қўшни давлат ўртасида дипломатик алоқалар 2009 йил 19 августда Ироқ пойтахти Багдадда амалга оширилган террорчилик ҳаракатидан сўнг узилган эди. Мазкур портлаш натижасида 100 га яқин киши қурбон бўлган.

Ушунда Ироқ ҳукумати бу хунрезликни мамлакатда фаолияти таққиланган, лекин қўшни Сурия ҳудудида яшириниб юрган «Баас» партияси фаоллари амалга оширган, дея ҳисоблаб, Сурия маъмуриятидан уларни Ироқ иختиёрига топширишни талаб қилганди. Сурия эса бу айблов ҳеч қандай асосга эга эмаслигини билдирганди. Шундан сўнг Ироқ Суриядаги элчисини, ўз навбатида Сурия ҳам Ироқдаги элчисини қаҳриб олганди.

Умуман, бу икки қўшни давлат ўртасида дипломатик алоқалар аввал ҳам яхши бўлмаган. Яъни 1982 йилдан 2008 йилгача дипломатик алоқалар узиб қўйилган, 2008 йил сентябрыдагина дипломатик алоқаларга асос солинганди.

Ўзбекистон Шолчилик илмий-тадқиқот институти жамоаси шу институт директори, биология фанлари доктори Йўлдош Сайминназаровга падари бузруквори

БЕКМИРЗА отанинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Яёқ Фуломов номдаги Археология институти жамоаси етакчи илмий ходим Абдулҳамид Анорбоевга волидан муҳтарамаси

ЎҒИЛОЙ аянинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Маҳаллий партия ташкилотлари фаолиятини мустаҳкамлаш

дастурий мақсадларни амалга оширишнинг муҳим шартидир



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотлари фаолияти самардорлигини белгилловчи омиллардан бири Жамоатчилик қабулхоналари ишининг самарасида, деб ҳисоблайман, — деди Фарғона вилоят партия кенгаши раиси Маҳмуджон Маҳкамов. — Фарғона, Марғилон, Бувайда, Учқўприк туман кенгашларида Жамоатчилик қабулхоналарига ишонч ва мурожаатлар кундан-кунга ортиб бораёпти, улар орқали ҳал қилинаётган масалалар қўлами кенгаймоқда. Аммо Охунбобоев, Риштон, Сўх туман партия кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналари суғ фаолият кўрсатмоқда. Бу туманларда, менимча, аҳоли партия фаолияти билан яқиндан таниш эмас. Жамоатчилик қабулхонаси борлигини яхши билмайдиган киши шу туман партия кенгаши кучига ишонмайди. Бунинг сабаби нимада? Агар туман партия кенгашлари, депутатлар аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб борганида, уларни ташвишга солаётган муаммоларни ўрганганида, тақлиф ва мулоҳазаларини тинглаганида, тегишли идоралар муҳокамасига олиб чиққанида, аҳоил мутлақо бошқача бўлиши мумкин эди. Қаерда партиянинг туман, шаҳар кенгашлари ўз фаолиятини тубдан такомиллаштирмас экан, уш ерда партиянинг обрўси ҳақида гапи-

— БИЗ ҚОНУНИЙ ҲУҚУҚЛАРИМИЗ, ВАКОЛАТЛАРИМИЗДАН ҲАР ДОИМ МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ФОЙДАЛАНИШИМИЗ ЛОЗИМ, — ДЕДИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ШАҲАР КЕНГАШИДАГИ ЎЗХДП ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ РАҲБАРИ АҲМАДЖОН АБДУЛЛАЕВ.

ришнинг ўзи ортиқча. — Бувайда туман партия кенгаши 50 та бошланғич ташкилотни бирлаштирган, — дейди туман партия кенгаши раиси Ҳабибахон Тошматова. — Ундан зиёд етакчилар, яъни энг йирик бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари кенгаш томонидан моддий рағбатлантирилиши йўлга қўйилган. Айтмоқчиманки, шундай йўл билан етакчилар масъулияти, қуйи бўйи фаолиятининг самарадорлигини оширишга ҳаракат қилаёмиз. Улар аниқ иш режасига эга. Марказий Кенгаш ва вилоят партия кенгашидан келадиган йўриқнома ва топшириқлар ўз вақтида ўрганиб чиқилиб ижроси таъминланади. Нафақат партия аъзолари, балки хайрихоҳлар ҳам ҳар доим фаолларнинг эътиборида.



Шу билан бирга, бошланғич ташкилотлар жамоат тузилмалари билан доимий ҳамкорликда фаолият юритади. Касаба уюшмалари, «Камолот» ЕИХ, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларининг қуйи бўйинлари билан бирга ўтказётган тадбирларимиз аҳолининг янада кенгроқ қатламини жалб этиш им-

конини беради. Натижада партияимизнинг фаоллар қатламини мустаҳкамлаш, тарғиботчиларни кўпайтириш мумкин, деб ўйлаймиз.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ХДП ўз дастурий мақсадларини амалга оширишда барча зарурий, ташкилий ресурсларга эга. Эндики вазира эса мавжуд имкониятдан самарали фойдаланиш билан боғлиқ. Хусусан, партиянинг барча туман, шаҳар, вилоят кенгашлари томонидан 2010 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастурларида тегишли маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларига аниқ вазибалар юклатилган. Шундан келиб чиқиб, семинар-тренинга халқ депутатлари вилоят Кенгашларига партияимиздан сайланган депутат-

раёнида замонавий усуллардан фойдаланиш ва уларнинг сиёсий билим ва савиясини ошириш каби масалалар ҳамон долзарблигича қолмоқда.

— Биз қонуний ҳуқуқларимиз, ваколатларимиздан ҳар доим масъулият билан фойдаланишимиз лозим, — деди халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Аҳмадҷон Абдуллаев. — Шаҳардаги мактабларнинг бирида спорт зали йўқ эди. Гуруҳимиз сессияда тегишли соҳа раҳбарларига мазкур масала юзасидан маҳаллий Кенгаш сўрови билан мурожаат қилди. Биз сўров ижросини ўз назоратимизга олдик.

Билдикки, партия депутатлик гуруҳи қонун берган ваколат доирасида самарали таъсир кучига эга. Биз бу билан ўз бурчимизни адо

этиб қолмай, умумий ишимиз жонланишига ҳам ҳисса қўшдик. Юрт ободлиги, турмуш фаровонлиги ҳар биримиз учун муҳим. Ҳозир бошқа масалаларда ҳам маҳаллий кенгаш сўрови институти услубини қўллаёмиз.

Семинар-тренинг иштирокчилари электрот манфаатларидан келиб чиқиб, жамоатчилик назоратини кучайтиришда бошланғич ташкилотлар суғташликка йўл қўётгани, бошқача айтганда, мавжуд имкониятлардан самарали фойдалана олмаётганларини таъкидлаб, бу борада мамлакатимизда мавжуд ижобий тажрибаларни қўллаш ҳақида тўхталиб ўтилди. ЎзХДП «Истикбол» ёшлар қаноти фаолияти сезиларли даражада жонланиб бораётгани эътироф этилиб, ёш етакчиларга сиёсат майдонидан кенгроқ ўрин бериш лозимлиги таъкидланди.

— Партиянинг сайланма органларига иктидорли, етакчилик қобилияти шаклланаётган ёшларни жалб этиш, партия етакчилари ишини чўқур таҳлил қилиш, керак бўлса, масъулиятли ишларни ёшларга ишониб топшириш, барча сайланма органларга шундай йўл билан маҳалли захира кадрлар яратиш зарур, — деди «Истикбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими етакчиси Сардор Абдуллаев. — Фарғона вилоятинида маҳаллий Кенгашларга партиямиздан сайланган депутатлар орасида 30 ёшгача бўлганлар атиги 3 фоизни ташкил этгани бизни асло қониқтирмайди. Партияимиз ёш кадрларини тарбиялаш билан бирга, сайланма органларга дадил тавсия қилиш керак.

Семинар давомида иштирокчилар кичик гуруҳларга бўлиниб, электрот билан ишлаш йўларини муҳокама қилдилар, баҳс-мунозара давомида ўзларини қизиқтирган масалаларга жавоб олдилар. Яқунда эса партиянинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари ва бошланғич партия ташкилотларига тегишли хулоса ва тавсиялар берилди.

Маҳмадҷон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ



### Алла Кудрявцева — Tashkent open бош соврини соҳибаси

Пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари теннис мактабида аёллар ўртасида ўтказилган Tashkent open халқроқ турнири ниҳоясига етди.

Ун иккинчи мартаба ўтказилган мазакур йирик мусобақа яккалик баҳсларида ҳамюртимиз Окгул Омонмуродова чорак финалда Алла Кудрявцевага қарши кортга чиқди. Аммо унда Окгулдан омад юз ўғирди — 6/7, 3/6.

Финал ўйинида Алла ўз ҳамюрти Елена Веснинани ҳар икки сетда ҳам бир хил натижа билан енгалди. Голлиблик шохсупасига кўтарилди — 6/4, 6/4.

### «Бунёдкор»нинг илк маълубияти

Футбол бўйича олий лига жамоалари XIX миллий чемпионатнинг йигирма биринчи тур учрашувларида майдонга тушдилар.



Ушбу турда мавсум пешқадами ва Ўзбекистон кубоги соҳибиди «Бунёдкор» жамоаси Зарафшонда «Қизилқум» футболчилари меҳмони бўлди.

Турнинг қолган ўйинлари қуйидагича ниҳоясига етди: «Машъал» — «Пахтакор» — 1:2, «Навбахор» — «Локомотив» — 2:0, «Динамо» — «Насаф» — 0:0, «Андижон» — «Шуртан» — 2:1, «Хоразм» — «Нефтчи» — 2:1, «Олмалик» — «Металлург» — 3:2.

### Мансурхўжа Мўминхўжаев: «Ватан шаънини улуғлаш шараф»

Сингапур олимпиадаси совриндори

Спорт ёш авлодни соғлом ва бақувват, жасоратли қилиб тарбиялашда асосий восита ҳисобланади. Айни чоғда спорт қанчалик оммалашса, истеъдодлар ҳам шунча кўп кашф этилади.

Халқаро олимпиада қўмитаси эса бундай тизимли мусобақаларнинг жорий йилдан бошлади. Сингапурда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги I ёғи олимпиадада истиқлол йилларида тутилган, уч босқичли мусобақаларда тобланган ёшларимиз муносиб иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида медаллар сонига кўра 204 давлат орасида фахрли йигирманчи ўринни эгаллади.


Деб ўйлаганимиз? — Самолёт гувиллаб парвозини бошлаганда тўлқинлиб кетдим. Шошиб деразадан гасга қарадим. Она шахрим — Ташкент ҳар қанонгидан ҳам гўзал, бетакрор бўлиб кўринди. Кўз ўнгимдан Ўзбекистонимиз манзаралари ўтди. Дунёда тенгсиз бу Ватан шаънини ҳимоя қилиш, улуғлаш имконияти берилганидан фахрландим. Шундай вақтда жуда кўп нарсани маъно-маъмунини янада чуқурроқ англаб экансиз.

Юртимизда спортга бўлган эътибор, яратилган кенг имкониятлар ҳақида ўйладим. Дзюдо, умуман спорт билан шугулланганимдан хурсанд бўлдим. Ўзимни дунёдаги энг бахтли инсон деб билдим. Манзилга етган, руҳамда энгилликни сездим. Галабага бўлган ишончим янада орди.

Спорти ҳар қанча кучли, тажрибали бўлмасин, у барибир беллашув олдидан ҳаяжонланади. Шу маънода, қайси беллашувни энг ҳаяжонли ўтди, деб ҳисоблайсиз?

Авалло, сизни Сингапур олимпиадасида эришган галабангиз билан табриқлаймиз. Олимпиадага қотаътиб хаёлингиздан қандай ўй-фикрлар кечганиди, шундай муваффақиятга эришаман

Биринчи беллашувда жуда ҳаяжонландим. Чунки рақибим Комор оролларида бўлиб, жанг услуби бошқача эди. У ҳаракатларини ўйноқ услубда тез-тез ўзгартириб, мени довлдиратишга уринди. Бундай



пайтда рақибнинг дадиллигини кўрган баъзи спортчилар шошилиб, ўзининг имкониятига ишончсиз қарши муқим. Беллашувнинг илк лаҳзаларидан ортиқча ҳаяжонланмасдан ўзимни кўлга олишга ҳаракат қилдим. Кўз ўнгимда ота-онам гавдаланди. Бу беллашувни телевидение орқали юртдошларим ҳам томоша қилаётганлиги ёдимга тушди. Мен ўз номимдан эмас, Ўзбекистон вақили бўлиб майдонга тушганимни ўйладим. Ана шу туйғу ўзимга бўлган ишончнинг ортирди. Галаба сари дадил ҳаракат қилдим.

Шундан бўлса керак, бу беллашув жуда оғир ўтди. Мен ҳисобда олдинда эдим... Афсуски, ҳакам менга ноҳақ оғохлантириш берди. Шу сабабли голиб бўла олмадим. Кураш якунланган, рақибим кўзларига қарадим. Нигоҳларини мендан олиб қочди. Галабага ҳалол эришолмаганидан уялди, шекилди.

Ҳаммамизга маълумки, оғир кечган беллашувдан спортичи ўзига хос тажриба орттириб, тегишли хулосалар қилади. Шундай экан, энг оғир кечган беллашувингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Сингапур олимпиадасида ўтказган беллашувларингизни таҳлил қила туриб, чемпионликка яна нима етишмади, деб ўйладингиз? — Бу мағлубиятим ҳакамларнинг ноҳилислиги туйғайли бўлса-да, аввало айбни ўзимдан кидирдим. Бир ҳаракат билан жангга нукта қўймаганим учун ўзимни ўзим койидим. Фурсатни бой берганим учун афсусландим. Ҳеч бўлмаганда, ҳисобдаги катта фарқ билан устунлигимни ушлаб туришим керак эди. Шунда ҳар қандай ғиромлик, ҳакамларнинг ноҳилислигига ўрин қолмасди. Энди ортиқча тушқунликка тушиш бефойда. Хали олдинда Лондон олимпиадасида турибди. Унда албатта нималарга қодир эканлигимни кўрсатаман.

#### Султонхўжа МҮМИНХҲУЖАЕВ, спортчининг отаси:

— Ота учун фарзандидан фахрлилик юришдан ортиқ бахт бўлмас керак. Ўғлим Мансурхўжа шундай нуфузли олимпиадада Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилганидан ўзимни бахтли деб билсам. Мен ҳам ёшлигимда дзюдога қизиқардим.

#### Хайринисо МҮМИНХҲУЖАЕВА, спортчининг отаси:

— Ўғлимнинг беллашувларини шу пайтдан кузатишга қурбон дов бермас эди. Лекин Сингапур олимпиадасида финал беллашувини ўтказётган кунни ҳатто ишга ҳам бормас эдик. Ҳаномиз ўнда телевидение орқали тўпландик. Худудан тинчсиз ўғлимнинг юзи ёруғ бўлишини сўраб, дуола бўлдим.

#### Абдуҳамид АБДУКАРИМОВ, «Найман» маҳалласи фаоли:

— Мансурхўжа маҳалламиз ифтихори. Шундай йигит кўшим эканлигиндан фахрланаман. Олимпиадада кузатишга чиққанимда албатта уни юқори натижа билан қайтишига ишонганман. Шу боис уни кун

ишонасими, ватанпарварлик тушунчаси ўғлимнинг финал ўрашуви вақтида янада тирақроқ аниқланди. Бу туйғуни қорайиб ҳис қилдим. Фурсатдан фойдаланиб, шундай спортичи фарзанд тарбиялашимизга шарт-шароит яратиб берган, қамқорлик кўрсатган кишиларга миннатдорчилик билдираман.

#### Фарход ТУРАЕВ, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи:

— Мансурхўжани тўрт ёшда отаси дзюдога олиб келган эди. Биринчи мураббийи Тоҳир Файзуевдан ўзини хос услубларини ўзлаштиргани унинг катта ютуғи бўлди. У ўзини жуда талобчан, интизомли спортчи. Машгулотларга ўз вақтида катнашиб, тажрибасини ошириб боришга остойдил ҳаракат қилади.

#### Абдуҳамид АБДУКАРИМОВ, «Найман» маҳалласи фаоли:

Мансурхўжа маҳалламиз ифтихори. Шундай йигит кўшим эканлигиндан фахрланаман. Олимпиадада кузатишга чиққанимда албатта уни юқори натижа билан қайтишига ишонганман. Шу боис уни кун

### Бутунжаҳон шохмот олимпиадасида...

Ханти-Мансийск (Россия)да 39-бутунжаҳон шохмот олимпиадаси қизгин давом этмоқда. Ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган бу нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз ҳам муносиб иштирок этишмоқда.

Эркаклар ўртасида ўтаётган баҳсларда 149 жамоа дона сурмоқда. Мусобақа низомига кўра, голиблар ўн бир тур якунига мувофиқ аниқланади. Кеча олтинчи тур учрашувлари ўтказилди. Фарход Собиров бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон терма жамоаси Фарьер ороллари шохмотчиларига қарши дона сурдилар.

Андрей Квон ҳимоя қилишмоқда. Аёллар ўртасида кечаётган баҳсларда 115 жамоа голиблик учун кураш олиб бормоқда. Владимир Егин бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон терма жамоаси дастлабки беш турда Қатар (4:0), Хорватия (1,5:2,5), Сурия (4:0), Литва (3:1) ва Латвия (2:2) шохмотчилари билан ўзаро баҳс юритди.

Эркин ХОЛБЕВО

### ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркаси мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган демократик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзудаги ижодий танловни эълон қилади.

### «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида»

#### Танлов шартлари

Танловга 2010 йилнинг 1 январидан 2010 йилнинг 1 декабрга қадар республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини

ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсини ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фшқаролик жамияти барпо этишида фаол иштирок этиши учун зарур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги таҳлилий мақолалар ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларида чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қоралқоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак. Фотопортретлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида маълумотлар (фамилияси, исми, фаолияти,

#### Танлов голибларига мукофотлар

### Голиблар диплом ва қимматли совғалар билан тақдирланади.

Материаллар «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзудаги ижодий танловга» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида 2010 йил 5 декабрига қадар қуйидаги манзилга жўнатилади:

Тошкент шаҳри, 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 244-15-96, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpak.uz, mmf.uz@mail.ru, Ташкилий қўмита

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ манфаатли шартларга асосланган «Умид» омонатини тақлиф этади. Омонатта маблағлар 15 ой муддатга йиллик 25 фоиз миқдорда даромад тўлаш шarti билан қабул қилинади. Омонат бўйича ҳисобланган фоиз даромадлари омонат шартномаси амал қилиш муддати давомида миқознинг ихтиёрига кўра унинг биринчи талаби бўйича берилиши таъминланади. ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV Bobir ALIMOV Sharbat ABDULLAYEVA Murodulla ABDULLAYEV Ulug'bek MUSTAFOYEV Taf'ana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari) G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Muslihidin MUHIDDINOV Andrey KUSTOV Ochilboy RAMATOV Saidahmad RAHIMOV MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI BO'LIMLARI: Partiya hayoti 233-10-13 Madaniyat va sport 233-69-45, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55 Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56 Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80 Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17 VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda — 225-32-70 Buxoroda — 223-06-02 Gulistonda — 225-46-45 Jizzaxda — 227-48-35 Navoiyda — 223-83-73 Namangonda — 226-43-81 Nukusda — 222-77-21 Samarqandda — 235-02-55 Urganchda — 517-30-58 Farg'onada — 224-18-78 Denovda — 8-37641-23-780 MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. Navbatchi: Dilshod NARZULLAYEV Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi-ta'sturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi. Korxonalar: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta sahifalari, payshanba va shabna kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 849 7943 nuxxada bosildi T — Tijorat materiallari ISSN 2010-7633 O'ZA yakuni — 04.05 Topshirilgan vaqti — 04.50 1 2 3 5 Satuvda erkin narxda